



# O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki  
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank  
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

## Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 02/2019 сонли баённомасидан кўчирма

Манзили "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ биноси,  
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2019 йил 26 июль  
иш вақти 11.00-12.00

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – Ш.Вафаев очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ акциядорларнинг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишида Банкнинг кун тартибининг "Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш" ва "Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш" тўғрисидаги саволларни Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдирилди.

Банк Кенгаши томонидан 2019 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2019 йил 30 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар "Тошкент" РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали ҳамда банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилди.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2019 йил 22 июль деб белгиланди.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2019 йил 22 июль ҳолатига шакллантирилган. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акциялар эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2019 йил 22 июль ҳолатига Банкнинг Устав капитали 2 169 156 019 947 (икки триллион бир юз олтмиш тўққиз миллиард бир юз эллик олти миллион ўн тўққиз минг тўққиз юз қирқ етти) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 2 162 126 019 947 (икки триллион бир юз олтмиш икки миллиард бир юз йигирма олти миллион ўн тўққиз минг тўққиз юз қирқ етти) сўм бўлган номинал қиймати 19 (ўн тўққиз) сўмлик 113 796 106 313 (бир юз ўн уч миллиард етти юз тўқсон олти миллион бир юз олти минг уч юз ўн уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- умумий қиймати 7 030 000 000 (етти миллиард ўттиз миллион) сўм бўлган номинал қиймати 19 (ўн тўққиз) сўмлик 370 000 000 (уч юз етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворум тўпланганлиги) бўйича сўз Саноқ комиссиясининг раиси Дилшод Абдукадировга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2019 йил 22 июль ҳолатига навбатдан ташқари Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 113 796 106 313 (бир юз ўн уч миллиард етти юз тўқсон олти миллион бир юз олти минг уч юз ўн уч) дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 619 (беш минг олти юз ўн тўққиз)та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 101.834.567.713 (бир юз бир миллиард саксон ўттиз тўрт миллион беш юз олтмиш етти минг етти юз ўн уч) дона ёки 89,52 фоизига эгалик қилувчи 6 (олти) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

*Саноқ комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Саноқ комиссияси маълумотномаси матни илова қилинади.*

Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – Ш.Вафаев банк акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигидан бош мутахассис – Ш.Юнусов, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ижрочи директори ўринбосари – О.Юсупов ҳамда бошқа акциядорлар ва уларнинг вакиллари, Банкнинг Бошқарув Раиси, аъзолари ва масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш хайъати: Ш.Вафаев (Раислик қилувчи), О.Юсупов, Ш.Юнусов, А.Воитов, С.Аннакличев, З.Азимов, Б.Норхужаев.

Йиғилиш котибияти: З.Баймурадова, А.Визер.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Ж.Матназаров, Л.Байманова.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.
  2. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
- Умумий йиғилишни иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масалалар буйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига таклиф этилган номзодлар бўйича маърузачига 15 дақиқагача вақт бериш;
- Номзодлар бўйича муҳокамага - 10 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 15 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси Ш.Вафаев тушунтириш бериб, Банк Кенгаши таркибига сайлаш учун йирик ва минаритар акциядорлар томонидан таклиф қилиб берилган номзодларининг шахсий маълумотлари билан қисқача таништириб ўтди.

1. **Султонов Алишер Саидаббосович**, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ёқилғи-энергетика ва саноатнинг соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси – Энергетика вазири
2. **Вафаев Шухрат Абдушарифович**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ўринбосари.
3. **Мухтаров Улуғбек Хакимович**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ўринбосари.
4. **Юсупов Олим Анварович**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқарма бошлиғи.
5. **Ишметов Темур Аминджанович**, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари.
6. **Хамидов Расул Таваккалович**, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари. ,

7. **Якубжанов Мурат Миракбарович**, “Grant Thornton” халқаро аудиторлик компанияси – хамкор
8. **Братановский Алексей**, “Boston Consulting Group” халқаро компанияси маслахатчи
9. **Акрамов Азиз Кабирович**, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи.
10. **Набиев Тўлқин Набиевич**, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи.
11. **Калонхўжаев Расохон Рустамхўжа ўғли**, “Ўзбек - Омон инвестицион компанияси” МЧЖнинг бош директор ўринбосари.
12. **Ашуров Улуғбек Муродиллаевич**, “Ўзнефтвахсулот” АЖ Бошқаруви Раиси ўринбосари.

Шу билан бирга Умумий йиғилиш Раиси Ш.Вафаев акциядорлар ва уларнинг вакилларига Банк Кенгашига кумулятив овоз бериш жараёнида ўн иккита таклиф этилган номзодлардан тўққиз нафар энг кўп овозга эга бўлган номзодлар сайланишини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала, бўйича Умумий йиғилиш Раиси Ш.Вафаев тушунтириш бериб, Банк Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун йирик ва миңаритар акциядорлар томонидан таклиф қилиб берилган номзодларнинг шахсий маълумотлари билан қисқача таништириб, ўтди.

1. **Тўлаганов Фаррух Абдурасулович**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи
2. **Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи.
3. **Мавлюдов Элдар Хайратдинович**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи.
4. **Жумаев Сардор Нурмухамматович**, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи.
5. **Юлдашев Бобиржон Бахтиярович**, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассис.
6. **Суюнов Бобомурод Мамаражабович**, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассис.
7. **Убайдов Миршод Исмоилович**, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассис.
8. **Акрамов Аким Воҳидович**, «Ўзнефтвахсулот» АЖ бош мутахассис.

Умумий йиғилиш Раиси Ш.Вафаев Банкнинг Тафтиш комиссияси таркибига таклиф қилиб берилган саккиз нафар номзодлардан бешта энг кўп овозга эга бўлган номзодлар сайланишини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига асосан кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари ва овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Кумулятив овоз бериш натижаларига кура, Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда кейинги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар 1 (бир) йил муддатга сайлансин:

т/р	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони	Тўпланган овозлар (фоизда)
1.1	Вафаев Шухрат Абдушарифович	Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси ижрочи директори.	101 830 104 033	99,997%
1.2	Мухтаров Улуғбек Хакимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ўринбосари.	101 830 104 033	99,997%
1.3	Юсупов Олим Анварович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқарма бошлиғи.	101 830 104 033	99,997%
1.4	Ишметов Темур Аминджанович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари.	101 830 104 033	99,997%
1.5	Хамидов Расул Таваккалович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.	101 830 104 033	99,997%
1.6	Якубжанов Мурат Миракбарович	«Grant Thornton» ҳалқаро аудиторлик компанияси – хамкор	101 830 104 033	99,997%
1.7	Акрамов Азиз Кабирович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи.	101 830 104 033	99,997%
1.8	Набиев Тўлқин Набиевич	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи.	101 800 579 698	99,967

1.9	Калонхўжаев Расохон Рустамхўжа ўғли	«Ўзбек – Омон инвестицион компанияси» МЧЖнинг бош директор ўринбосари.	70 485 093 472	69,215
-----	---	--	----------------	--------

2. Оддий овоз бериш натижаларига кура, Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзолари куйидаги таркибда кейинги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йигилишига қадар 1 (бир) йил муддатга сайлансин:

2.1.Тўлаганов Фаррух Абдурасулович, *Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи.*

- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
- Овоз берилди: 101.834.567.713 овоз
- “ёқлайман” – 101 834 567 713 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2.2.Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли, *Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи.*

- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
- Овоз берилди: 101.834.567.713 овоз
- “ёқлайман” – 101 834 567 713 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2.3. Мавлюдов Элдар Хайратдинович, *Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи.*

- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
- Овоз берилди: 101.834.567.713 овоз
- “ёқлайман” – 101 664 981 803 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – 169 585 910.

2.4. Юлдашев Бобиржон Бахтиярович, *Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассис.*

- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
- Овоз берилди: 101.834.567.713 овоз
- “ёқлайман” – 101 834 567 713 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2.5. Суюнов Бобомурод Мамаражабович, *Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассис.*

- Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
- Овоз берилди: 101.834.567.713 овоз
- “ёқлайман” – 101 800 579 698 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – 33 988 015 овоз.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ**

**Акциядорлари умумий йиғилиши Раиси:**

**Ш.Вафаев**

**Акциядорлар умумий йиғилиши  
котибияти:**



**З.Баймурадова**

**А.Визер**

**Корпоратив маслахатчи**

**К.Алимов**

6